

Халқ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

23 август, шанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 176 (1693)

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши Ўзбекистон тарихидагина эмас, ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимиз ва тақдиримизда юз берган қутлуғ воқеадир.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Халқ ҳўжалигининг устувор соҳаларида, хусусан, галла, нефть, энергетика мустақиллигига эришиш Президент Ислам Каримов ишлаб чиққан тараққиёт йўлининг асосий йўналишлари сифатида белги-ланган. Шу мақсадда мамла-катимизда кўска вақт мобай-нида улкан ишлар амалга оширилди. Жорий йилда деҳқонларимиз қариб 4 мил-лион тонна галла етиштирди. Бу ўзимизни дон билан таъ-минлаш имконини беради. Да-ладаги ҳосил бу йил пахта хирмонимиз ҳам юксак бўли-шидан далолат берибди. Ай-ниқса, Кўкдумалоқ, Алан, Мингбулоқ нефть конларида амалга оширилган ишлар, Му-борақдаги компрессор стан-циясининг ишга туширилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг обдон таъмирла-наётгани нефть маҳсулотлари билан нафақат ўзимизни таъ-минлаш, балки уни четга со-тиш имконини ҳам беради.



ерда халқаро тақдимот маросими бўлди. Уни Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов очди. Маросимда тегишли вазирилик, кўмита, концерн, корпорация, раҳбарлари, шунингдек, дипломатик корпус, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари

Ислам Каримов тақдимот маросимида нутқ сўзлади. Таъдбирда Франциянинг «Текнип» компанияси президенти Пьер Вайо, «Бухоро-нефтьзаводи» 2-қури-лиш-монтаж бошқармаси раҳбарлари, «Мехнат шўхрати» орден-ни нишондори С. Сақонов сўзга чиқиб, мазкур ишшоот ўзбекистон билан юксак та-раққий этган Америка Қўшма



Штатлари, Франция, Япония, Туркия каби мамлакатлар компания ва фирмалари ўртасида амалий ҳамкорлик самараси бўлиб, унинг ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ва «Текнип» компанияси президенти П. Вайо завод ишга

тушганидан дарак беришчи раҳбарий лентани қирқдилар. Мамлакатимиз раҳбари завод худудини кўздан кечириди, замонавий қурилмаларнинг иш жараёни билан танишди. Қариб 300 гектар майдонни эгаллаган, лойиқа қиймати деярли 500 миллион доллар бўлган мазкур завод ўттиш дари мураккаблиги қарамай, кўска муддатда қуриб битказилди. Ўзбекистонда хо-

рижий сармоялар иштирокида бу каби йирик лойиҳалар қў-лаб амалга оширилмоқда. Бун-дай мислсиз ишлар матбуот вакилларида, айниқса, хори-жий оммавий ахборот восита-лари муҳбирларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конфе-ренциясида Президент Ислам Каримов журналистларни қизиқтирган ана шу саволлар-га жавоб берар экан, жумла-

дан, бундай деди: -- Бу заводининг қуриб бит-казилиши нафақат иқтисодий, балки бир вақтнинг ўзида дунёдаги бир неча йирик қуд-ратли компаниялар билан ҳамкорлик қилиш тажрибаси сифатида ҳам биз учун қим-матлидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда -- саҳро кўйида та-раққиётнинг янги намунаси яратилмоқда. Биз завод атро-фидаги улкан майдонни кў-камзор масканга -- янги воҳа-га айлантираемиз. Бу ерда ўрмончилик жамоа ҳўжалиги, «Жайрон» қўриқхонаси таш-кил этилган, завод ишчилари учун қурилган замонавий ша-ҳарча бу борадаги ишлари-нинг дебочасидир. Мамла-катимизда хорижий сармо-ялар иштирокида мазкур за-вод қурилиши каби кўлаб ул-кан лойиҳалар амалга оши-рилмоқда. Демократик, хо-рижлик шериклар билан тенг-ма-тенг амалий ҳамкорлик я-ши самаралар берибди. Янги завод тақдимоти маросимидан сўнг давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳрига йўл олди. Маълумки, қадимий шаҳар-ларимиздан бири -- Бухоро-нинг 2500 йиллиги юбилейга тайёргарлик ишлари низоҳига етмоқда. Таъмирдан чиққан тарихий обидалар шаҳар кў-рига-кўрк бағишламоқда. Давлатимиз раҳбари ана шу ишшоотлардан бири -- Масжи-ди Калонда бўлиб, таъмирлаш ишларининг бориши билан та-нишди. Бу ерда меҳнат қил-аётган меъмор ва усталар бил-ан мустақиллик йилларида тарихий қадриятларга, бой маънавий-маърифий мероси-мизга ҳурмат билан ёндаши-лаётгани хусусида сўхбат-лашди. Улар шўро даврида эъ-тибордан четда бўлган санъ-атлари қадрланаётганилиги учун йўлбошчимизга миннат-дорлик билдирдилар. Президентимизнинг Бухоро сафари чоғида унга Бош ва-зирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Гуломов, В. Норов, Бош вази-р ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, Президентнинг Мат-буот котиби М. Мўхаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХўЖА,
ЎЗА МАХСУС ШИ-
РАТЛАРДА: тақдимот
маросими.
А. ТўРАЕВ
олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам қурилиш иш-тирокчилари!
Қадрили меҳмонлар!
Авваломбор, Сизлар бил-ан буюк истиқдоломиз-нинг муборак 6 йиллиги арафасида катта тантана, яъни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туши-рилиши маросимида учра-шиб турганимдан мамнун ва бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бундан бир неча йил ол-дин Қизилқум саҳроси-нинг ўртасида, аждоқларим-из тили билан айтганда, «одам юрса оёғи, қуш учса қаноти кундиган» чўлу биёбонда энг замонавий, энг улкан завод қад кўтарди, деб айтганимизда баъзи бировлар афсона, деб ўйлагани ҳеч кимга сир эмас.

Мана, бугунги кунда бунёдкор халқимиз ирода-си билан, ажабий дўстла-римизнинг фаол иштиро-кида афсона ҳақиқатга ай-ланди. Мустақиллигимиз-ни мустаҳкамлаш йўлида яна бир дадил қадам қў-йилди.

Барчангизни нафақат бугунги ҳаётимизда, балки келажак ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин тутаётгани, иқ-тисодий салоҳиятимиз юк-саллишига улкан ҳисса қў-шуви мана шу завод ишга тушириши муносабати билан чин кўнгилдан табриклай-ман.

Хонимлар ва жаноблар!
Бугун биз барчамиз, ҳеч муболагасиз айтиш мум-кинки, мамлакатимиз ҳаё-тидаги тарихий воқеа -- Бухоро нефтни қайта иш-лаш заводининг биринчи навбати ишга туширили-шининг гувоҳи бўлиб тури-бмиз.

Биз бу кунни катта ҳая-жон билан кутганимизни яшириб ўтирмаймиз. Ўзбе-кисоннинг қурувчи ва не-фтичилари ҳамда уларнинг хорижий ҳамкорлари мам-лакатимиз мустақилли-гининг олти йиллигига атаб ўзбек халқига ажойиб совға тайёрлашди.

Давлат мустақиллигини эълон қилган дастлабки кунларданок биз нефть ва газ соҳасини ривожланти-

ришга, иқтисодиёт эҳтиё-жини ўзимизнинг нефть ва газ манбаларимиз ҳисобидан қондиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқдамиз.

Бухоро нефтни қайта иш-лаш заводининг қурилиши биз учун муҳим, айтиш мумкин-ки, стратегик аҳамиятга эга.

Табиат Ўзбекистондан неъматларини аямган. За-минимиз қаърида сон-са-ноқсиз табиий бойликлар, жумладан, ўта муҳим аҳамия-тта эга бўлган энергия ре-сурслари -- нефть, газ кон-денсати, табиий газ мавжуд.

Бугунги кунда мамлака-тимизнинг турли минтақа-ларида 150 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилган бў-либ, улардан 92 тасида иш олиб боришмоқда. Ҳозирги пайтда истиқболли Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конлари-да бурғиланш, обдончилик ва тезда ишга тушириш бўйича фаол иш кетаяпти. Буларнинг барчаси узоқ йилларга ета-диган ишончли хомашё ба-засини барпо қилади, респу-блика иқтисодиётининг угле-водород хомашёсини қайта ишловчи маҳсулотларга эҳтиёжини таъминлашга им-кон беришга қўлмай, рес-публиканинг экспорт сало-ҳиятини ҳам анча оширади.

Муқтақиллик йилларида нефть ва газни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш ҳамжи сезиларли даражада ошгани бунинг исботидир. Газ кон-денсатига эга бўлган нефтни қазиб олиш сўнгги йил-ларда уч баравардан кўп-роққа ошди ҳамда ҳозир 7,6 миллион тоннадан ошиб кетди. Газ қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамжи сезиларли даражада ошди. Ҳозир Ўзбекистон ўзини газ билан тўла таъминлабгина қолмай, уни экспорт ҳам қилмоқда.

Бугун биз олдимизга яна-да мураккаброқ вазифани -- нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамжини оширишга эришиб-

фаолият кўрсатиши учун яратиб берилган ҳуқуқий ва иқтисодий шароит ҳамда ка-фолатларнинг натижасидир. Бу ўзаро ишонч ва яқин фойдали ҳамкорлик нати-жаси ҳамдир.

Янги завод қурилишини молиявий жиҳатдан таъмин-лаш ва қурилиш жараёнида Франция, Япония, Америка, Туркиянинг кўпгина машҳур банклари, компания ва фир-малари фаол иштирок этди.

Франциянинг «Текнип» фирмаси, Япониянинг «Ма-рубени» ва «Жей-Жи-Си» компаниялари томонидан лойиҳанинг технология қис-мининг амалга ошириш учун барпо этилган консорциум йирик инвестицион лойиҳа-ларни амалга оширишда мохирлик ва самарали ҳам-корлик қилишнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Франциянинг «Текнип» фирмаси, Япониянинг «Ма-рубени» ва «Жей-Жи-Си» компаниялари томонидан лойиҳанинг технология қис-мининг амалга ошириш учун барпо этилган консорциум йирик инвестицион лойиҳа-ларни амалга оширишда мохирлик ва самарали ҳам-корлик қилишнинг ёрқин мисоли бўла олади.

Франциянинг «Текнип» фирмаси, Япониянинг «Ма-рубени» ва «Жей-Жи-Си» компаниялари томонидан лойиҳанинг технология қис-мининг амалга ошириш учун барпо этилган консорциум йирик инвестицион лойиҳа-ларни амалга оширишда мохирлик ва самарали ҳам-корлик қилишнинг ёрқин мисоли бўла олади.



Сирдарё вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



Хўжалигимиз майдони қирлар бағрида жойлашган. Кишлоғимизда эса 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ана шу халқни боқиб, иш билан таъминлаш, қувончи ва ташвиши кўнларига ёнида бўлиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг бугунги ва эртанги кўни ҳақида қайғуриш биз, раҳбарларнинг муқаддас бурчимиздир.

ДАСТУРХОҲ ТЎҚИЛИГИ - КЎНЛИМИЗ РАВШАНЛИГИ

Бу йил 1000 тоннага яқин дон етиштирдик. 19 гектар ерга Голландия картошкасидан эканмиз. 3 гектардаги эртанги картошкани режадаги 120 центнер урнига 140 центнердан ҳосил кўтариб, уни қишлоқ аҳолисига, савдо ташкилотлари ва шаҳарликларга етказиб бердик. Қўзи картошканинг ҳар гектаридан эса 170 центнердан ҳосил кўтармоқчимиз.

Уюшмаимизнинг энг катта бойликларидан бири -- бу 233 гектардаги тоқордир. Унинг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан, жами 700 тонна ширин-шакор олишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, биз қўзда тутилганидан 100 тонна кўп ҳосил етиштириш имконига эгамиз. Фақат узуминг ўзидан 10 миллион сўмга яқин даромад оламиз.

Уюшмаимизда деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳаракатига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунинчи, Фазилдин Назаров бошқиб деҳқон хўжалиги 20 гектардан 17 центнердан дон олди. Бу лаъми ерлардан олинган энг юқори ҳосилдир.

Қисқиси, меҳнат аҳли истиқлолимизнинг 6 йиллигини дилларидан қувонч, юракларидан ширин ҳаяжон билан кўтиб олмақда.

Собиҳжон НАЗАРОВ,
Ховос туманидаги Жўраҳон Усмонов номи ширкатлар уюшмаси раиси.

ИНСОН АЗИЗ

Ўза деҳқоннинг қафтида ўсади, деган гап бор. Бу гап бекорга айтилмаган. Негаки, Ўза қафтида ўсмаганида, у бу қадр мўтабаки, бу қадр сувоқли бўлмасди. Чўл дарғаси Ганишер Юнусов эса «Менинг олтига болам бор, еттинчиси ўзамдир», дейишни яхши кўради. Бу эътироф ҳам оддий деҳқон юрагининг акс-садидир.

Бугун ўзани ўза қиладиган, шонани гулга, гулни кўсақка, кўсақни чамандек очилган чанокларга айлантирувчи одамлар -- сувчилар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бу одамларнинг юз-кўларини қўёш нисбатан кўпроқ қорайтиради. Бу одамлар эғнидаги кўйлак ёки оқяқтак теру иссиқдан сарғайиб кетган бўлади. Бу одамларнинг ё белбоғида, ё этининг қўнжидида, ё кўнлида ҳаммаша қоғоқоп парчаларини учратасиз. Далининг ўр-қирини, нишабини на механизатор, на бригада бошлиғи, на хўжалик раҳбари уларчалик билмайди. Бу одамлар кетмон ўткирлашга, унинг қиловини қайроқтош билан кетказишга устаси фарангдир. Бу одамлар хатто улағанда ҳам кетмонни ўзидан нари қўймайдилар.

«Тўф» деган тупук ерга тушмай, музга айланмаган чиллада улар шудорга яқоб тарайди. Хўт арафасида, ариқ-зуворларни тазалаш бошланган кезлари улар доимо иш бошида бўлишади. Савр ёмғирларига тўғинган саз тупроққа чигитни мана шу одамлар қалашади. Бой-чечакдек бодраб чиққан қўшқулоқ ниҳолларни илк бор кўзларига суртувчилар ҳам мана шу кишилардир. Чинбарг кўрсатиб, бир қаричдан ошган ўзаларга сув тараш учун шохариқ

бўлиши керак. Аммо сувчилик касбига на мактабда, на олийгоҳда, на академияда ўқитишади. Сувчи бу касбнинг сир-асорини ё отасидан, ё акасидан, ё устозидан ўрганади. Эл унга тан бериши учун, орадан йиллар ўтиши керак. Экинга унинг рангига, ҳолатига қараб, сувчи «ташҳис» қўяди. Ўза ҳам ишнинг кўзини биладиган сувчи билан доимо «гурун» қилади. Буни билган билади, билмаган йўқ. Кишлоғимизда Тожиқул ака, Абдурауф ака деган сувчилар бор. Улар хўжаликдаги салкам икки минг гектар майдоннинг


дир. Сиз уларнинг қўёш нисбатан кўпроқ қорайтирган юз-кўларини, елкаси сарғайиб кетган кўйлак ёки оқяқтакларини кўрмайсиз. Сиз уларнинг бироз ҳорғин ва шукроналик сезилиб турган ним табассумларидан ҳам баҳраманд бўлолмайсиз. Шаҳар. Қаҳвахона. Ба-шанг кийинган одамлар. Муסיқа шўх жаранглайди. Чор-атрофдан ҳаловат аталмиш бахтиёрликнинг ҳиди уфурлади.

Кишилар жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушишади. Кўраларда қабоблар қизариб пишади. Ана энди Сиз мендан «Тўхтанг, поездинг, туннинг бу тагларга нима алоқаси бор», -- деб сўранг. Шаҳар таровати, ораста қаҳвахоналар, шўх кўлилар, кўраларда қизариб пишаётган қабоблар таъми, ҳаловат нафаси илк бор дала-ларда яратилди.

Агар сувчининг юзу кўларни қўёшда қораймаса, эгнига лой сачрамаса, у ҳаловатни болам, дея бағрига босмаса, чанокдаги пахта-нинг қўнги ҳеч қачон синчалокдек бўлмайди. Синчалокдек пахталардан эса улкан хирмонлар уюлади. Юрт хирмонлари қўшилиб, чагирилиб, олтин тоғлар дунёга келади. «Оқ олтин»дан олтин тоғлари бўлган Ўзбекистоннинг пешонаси ойдинда юрган одамларнинг пешонасидек, албатта, ёруғ бўлади.

Алқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭРКИ БОР ЭЛНИНГ КЎРКИ БОР!



Шундай. Бугун ким билан суҳбатлашаман, улар улуг айём тантаналарини орзиқиб кутаётганлиги, энг муҳими, яқинлашаётган байрам «ўзиники» эканлиги ҳақида қувониб сўзлайди.

Улкан байрам тантаналарининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовнинг айтишича, томоша дастури ҳар бир кишининг ёнида узоқ сақланиб қоладиган даражада ранг-баранг қилиб тайёрланмоқда. Дастур бир неча бўлимлардан иборат бўлиб, уларнинг бирида Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган алоҳида бадиий саҳифа намойиш этилади. Монументал экранларда эса, Бухоро ва Хиванинг энг машҳур ёдгорликлари намойиш этилади.

Тантаналарнинг асосий қисми Мустиқлилик майдонида бўлиб ўтади, -- дейди Рустам ака. -- Етти минг киши бош майдондаги театрлаштирилган томошаларда иштирок этади. Куй, қўшиқ, ҳис-ҳаяжон, қувонч -- ҳаммаси уйғунлашиб кетади. Байрам дастуридан Ўзбекистон халқ артистлари ва Давлат мукофоти совридорлари, «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақ» ансамбли, республикамизнинг эстрада юлдузлари ва бошқа санъаткорларнинг чиқишлари ўрин олган. Шунингдек, унда болалар ва ҳаваскорлик дасталари, вилоятлардан келган санъат усталари иштирок этадилар. Кун бўйи куй, қўшиқ, аския, бахшларнинг ўйналари янрайди.

Байрам тантаналари Мустиқлилик майдонидан бошланиб, 1 сентябрь кунини пойтахтимизнинг Халқаро дўстлиги, «Хадра» ва Алишер Навоий театри майдонларида, Ўзбекистон миллий боғи, Амвр Темур хиёбони ва «Сайилтоҳ» кўчаларида ҳам давом этади.

«Бобоқўёш овоз Ватанимиз узра балқиб, эр саодатидан музда топан кунга олти йил тўлмоқда. Ана шу муборак айёмдан буюн у ҳар тонг саховатлиша халқимизни оозлик билан кўлаб, заррин нурилари ила муқаддас тупроққа кўт-барак сочди. Ана шу омон-омон кўнлар барчамизга муборак бўлсин!

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Мустиқлилик майдонидан азеҳалар.
Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.


ОЙДИНДА ЮРГАН ОДАМЛАР

қаеридан ўқариқ, қаеридан шохариқ ва қаеридан кўтарма олишни, ярим тунда ўйғотиб сўрасангиз ҳам, аълочи ўқувчидай шариллашиб айтиб беришади.

Яхши сувчи саратонда кундузи ариқ дамлайди. Яъни, ариққа сув тўлиради. Офтобнинг дами қайтач эса, улар нишга киришади. Қош қорай-гунча мўлжалдаги майдонга сув очилади. Жўяқлардан «яни-яни айтиб бораётган» сувни кўриб, тилининг тагига бир отим нос ташлайди. Бу паллада қўёш қизариб ботаётган, чор-атрофни чиридоқлар ово-зи тупиб кетган бўлади. Кейин у ўроқни олиб, ариқ увар

қилиши мумкин-да. Тонгда қишлоқ томондан хўрошларнинг қичқириви эшитилади. Ана шундагина у бир зум уватдаги ажриқзорга ёнбошлаб, «кўшуёқ» оромини олади.

Ўзал Фаронадан тунда ҳеч поэзияда пойтахт сари жўнаганмисиз? Ёки айтилик, Термиздан чиқиб, йўловчилар маст уйқуда ётган дамда уйқунгиз қочиб, далаларга ҳеч тикланганмисиз? Агар «ҳ» дегудек бўсангиз, бепоеён пай-каларда «лип-лип» этаётган фонусларга, албатта, қўнғиз тушган бўлади. Билингни, улар миллион-миллион эгтарларга обираҳмаг тараётган сувчилар-



1997 ЙИЛ - ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

НУРОНИЙЛАР КЎМАГИ

Оролбуйида вужудга келган ноҳуш экологик шароитда яшаётган аҳолига ёрдам қолаётгани йўқ. Кўни кеча Мўйноқ шаҳрида ушбу жамгарма томонидан харид қилинган бир миллион сўмлик иккита мўйноқ новвойхона ишла туширилди.

А.ИСКАНДАРОВ.

24 АВГУСТ — УКРАИНА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ВАҚТ СИНОВИДА ТОБЛАНГАН ДЎСТЛИК

булоқ етиштириш йилига 50 миллион тонна, шаҳар ишлаб чиқариш кўриб 7 миллион тонна, ўнг ишлаб чиқариш эса салкам 4 миллион тоннани ташкил этади.

Президенти Леонид Кучманнинг мамлакатимизга расмий ташрифи эса икки мамлакат халқларининг вақт синовида давлат тарихига янги саҳифа бўлиб кўриди.

ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

Навоий туманидаги Қ.Раҳимов номи жамоа хўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти очилди. Уни «Агрокурлини» трестига қарашли «Турон» ҳиссалорлик жамияти қурувчилари бунёд этди. Шифохона 2,5 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Қўзилтепа туманидаги «Тошрабоб» жамоа хўжалигининг «Ғамхўр» қишлоғида ҳам барча қўлайликларга эга бўлган шундай шифохона фойдаланишга топширилди.

Ёрқул УМАРОВ.

АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонасида Тошкент «Лидер аёллар маркази» нодавлат ташкилотини, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўнитаси ташаббуси билан «Хотин-қизлар ҳуқуқи — инсон ҳуқуқи» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. У «Ўзбекистон хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақида ахборот компанияси» лойиҳаси доирасида, «Шафқат Корпус» ва бошқа халқаро фондларнинг молиявий кўмағида ўтказилди.

Озод РАҲАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Амриқолик ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг «Кўёш барибир чиқаверади», деган асари бор. Аммо гап бу ерда асар ҳақида эмас. Асар номига сал ўзгартириш киритсак, Кўёш барибир Шарқдан чиқаверади, бўлади. Асар бу иборатга рамзий нуқтаи назардан қарасак ҳам, ҳеч нарса ўқитмаймиз, аксинча, нимадир топандек бўлади. Ахир, шарқдан чиққан Кўёшлар камми? Уларнинг ҳарорати, ёдуси етти иқлим сарҳадларигача етиб, тош қотган қалбларни иситмоқда, сўқир кўзларни равшанлаштирмоқда.

Аслида уша офтобий ҳарорат бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб вужудимизда яшамокда, томиларимизда гупириб-гупириб оқмоқда — Меҳр бўлиб, Оқибат бўлиб! Инсонийлик, Эътиқод, Иймон бўлиб! Муҳаддас Мурувату муазам Муҳаббат бўлиб!

Таассуфлар бўлсинки, нафасидан қон уфуриб турган комфирқанинг етмиш йиллик салтанати ана шу муқаддас қадриятларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Эътиқод пардаси заҳа еди, одамийлик муносабатлари томирига қурт тушди, ўзбекининг асл урф-одатлари ўз либосини бир қадар ўзгартириб, оқибат сизилмакка ҳомила бўлди.


Тахририятимизга келаятган хатлар бизни жуда ташвишлантиради ва уйлашга мажбур этади. Фақириятли мактублар билан бирга, шайтоний ҳою ҳаваслар ўрамага мубтало бўлган хатлар ҳам, афсуски, оз эмас. Ака-ука, ота-бала ўртасида ер талаш, иймон талаш. Эр-хотин иттифоқидан файз қочган, ота-сингил ўртасида пул мижасоси...

Оқибатсизликнинг турлари бирим кўп-ей...ё астафуралло!

Биз бузун биринчи марта эълон қилаётган ва «Оқибат» деб номлаган саҳифамиз ўзбекчилик, урф-одатларимиз, тутумимиз, қадриятларимиз ҳақида. Зеро, сизнинг кўнглингизда ҳам ана шу йиллар келаятган ёки ташвишлантираётган бўлса, саҳифамизга қўйилмасиз, жўяли ва саҳиҳ мактубларингиз билан саҳифамизни бойитасиз, деган умиддамиз.



Данагидан мағзи ширин.



МУРУВВАТ
МЕҲРИ ДАРЁ ОДАМЛАР

Кўнглим чўкиб, руҳим ҳорғин юрган кезларимда (турмуш ўртоғим оламдан кўз юмган эди) бошимга яна бир мушбат тушди. Телевизордан ўт чиқиб, уйимиз ёниб кетди. Нима қилишимни, қаерга боришимни, кимдан ёрдам сўрашимни билмайман. Очиги, довдираб қолдим.

Дунёда яхши одамлар кўп экан. Шундай оғир кунларимда Сирғали тумани ҳокимияти, «Маҳалла» хайрия жағмармаси

кўлларидан келган ёрдамларини аямади. Энг муҳими, кўни-кўшиларим, маҳалладошларимнинг эътибори, уларнинг ҳамдардлик билдириб, айтган илҳиқ сўзлари кўнглимни тоғдай кўтарди. Қандай савоатли, кўли очик, бағри кенг халқимиз бор. Ана шундай меҳри дарё инсонлар ёрдамида ҳаётга қайтдим. Мен улардан бир умрга миннатдорман.

З. СОБИРОВА,
Тошкент шаҳри.



ХАТ САФАРГА... ЧОРЛАМАДИ

Хурматли ЗОИР ака! Шикоятингизни олганимга бир ойдан ошди. Шу давр мобайнида ҳузингизга боролмаганим икки икки энлик хат йўнали олганлигим учун сиздан ур сўрайман. Улғу бичор одилдан тахриратда ҳам ишлар қўзиб кетди, бироз ушаниб қолдим. Аммо, бу сабаб бўлмайди, баҳона ҳам эмас бу. Гап бутунлай бошқа ёқда! Андиқоғи, гап унда эмас, гап бугунда.

Ун уч саҳифалик мактубингизни ҳар кун кўлимга бир марта оламан. Қайта-қайта мутолаа қиламан. Биздан бу мактубини сиз ёганингизга ишонгим келмайди. Укаси акаси тўғрисида бунчалик ноҳўя гапларни ёзиши мумкинлигини инсон ақлида етдиришолмайман. Не бўлганда ҳам, халқ таъбири билан айтганда, бир қориндан талашиб турган жигарғушаларнинг бир-бирга қўлчи яланғочлаши... одобдан таш-

биний. Ростини айтсам, расмий тил менга ҳам ёқмайди — унинг жони йўқ. Бироқ бугунги кунда одамлар ўз ҳақ-хуққини танитганлиги бор гап. Лекин бу етарли даражада бўлмапти, ҳуққий саводхонлик даражаси ҳали-ҳамон паст. Бу эса айрим муттаҳамларга, бюрократларга қўл келмоқда. Ранжиган, маънавий ва моддий талафот қўрган кўнглик одам ҳақ-хуққини талаб қилиб, кимга мурожаат этишни билмайди. Натигада у «мастахаттўйлар» қистови билан тўғри келган идорага хат йўллангиларди ёки қатнайверди. Узи оворда бўлиш билан бир қаторда қанча-қанча идораларда ишловчиларни ҳам сарсон қилди.

Энди сизнинг тахриратга ёзган хатингиз ҳақида. Шикоятингизда далолатлар бисёр. Шулардан айримларини санаб ўтаман: акангиз сизнинг меҳнат дафтарчангизни йўқотган, уни ўз ўрнига топиб қўйишни; қизларингизни қайта ишта-

БИР ГАПДАН ҚОЛИНГ!

(БУХОРО ТУМАНИДАГИ 22-УЗУМЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ИШЧИСИ ЗОИР РАҲМАТОВГА МАКТУБ)

Қаридир. Кечиринг, мен сизга одоб ҳуқуқидан гап сўзлашмак эмасман. Зеро, бу кўнча дунё ободсизликлардан-да оғирроқ қилмишларни кўп кўрдим. Палар-қушлар, модарқушлар, ватан-фурӯшу элфурӯшулар ҳақида сиз ҳам кўп ўқигансиз, эшитгансиз, уларнинг коссат ҳеч қачон оқармаган, изаб-обу тоғтамган. Сиз ва акангиз ўртасидаги нифоқ уларнинг олдида ҳечдир, бу нифоқни илди билан кўпориб ташлаш керак ва ишонанки, шундай бўлади. Чунки табаррук Бухоро заминидан эндиликда нифоқ алафлари эмас, бағрикентлик ва биродарлик чечоклари томир ёйиши, ён-атрофга хушбўй ифорулар таратиши керак!

Сиз Бухоро туманидаги 22-узумчилик хўжалигида яшашингизни, акангиз Сайфулло Раҳматов деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилиб, уни «Сайфулло Раҳмат» деб атаганингизни, хўжаликка сиз ҳам аълининг, фарзандларингиз билан бирга шартнома асосида аъло бўлганингизни, аммо акангиз сизга тўғри ҳақ тўламай, талон-тороқлик бил-

даставвал аччиқ-тизиқ гаплар ҳам ўтган. Эҳтимол, акангиз хато қилгандир, адашгандир. Беайб — парвардигор, дейдилар, ҳаммамиз ҳам сўт эмган бандаларимиз-да, ахир. Ишлаганга хато қилмайди, деган экан бир файласуф. Ва аксинча, хато қилиб қўйишдан чўнган одам яхши ишлай олмайди ҳам. Мен акангизнинг ёнини олмоқчи эмасман, аммо бу ўринда сизни ҳам, ён-верингиздан маҳаллуларни маслаҳат берган бошқа огаиниларингизни ҳам беайб, деб айтолмайман.

Жаҳд келганда — ақл кетар, дейдилар. Сиз ҳамон жаҳд отида юрбисиз. Эҳтимол, отдан тушибақирисиз, аммо кўрнинг турибикки, эгардан тушганингиз йўқ. Дўшминни олиб бир ўйлаб кўринг: эрта-инилан бу нифоқу жанжаллар ўтати, сиз житарингиз билан апок-чапоқ бўлиб кетасиз. Лекин ушунда қорангизнинг бир четида бўшлиқ қолади. Уни кейин тўлдириб бўлмайди. Бу — ака-уканинг келажик меҳриси ўтган кунларидан асорат, доғдир. Афсуски, бугун сизга «жўяли маснаҳат» бериб турганлар ушундан илтизада турмайдилар. Улар ушунда бошқа бир укани акасига, болани отасига қайратдан бўлишади.

Шундан сўнг туман ҳокими Шомуродовга мурожаат қилдим, — деб ёзасиз яна. — Ҳоким акамни қақириб, Раҳматов Зоирни ишдан бўшат, деб озгаки буйруқ беради. Акам эса мени, хотинимни, икки қизимни хат-саводи йўқ, деб сабабсиз ишдан овоз қилди. Ҳокимга бошим, у «сул ҳал қилсин», деди. Шундан сўнг туман агроносат уюшмаси раиси Бобоёна ҳал ёлдим. Бобоёна ҳам ариза кўриб чиқиб даражасига етмаган раҳбар экан.

Бундан кейин ҳам сиз ариза ёзган ташкилотларнинг ҳисоби йўқ. Хўжалик раҳбаридан тортиб энг юқори идораларга дову «машаққатли йўлни босиб ўтгансиз. Уша «машаққатли йўлнинг бир бекати эса бизнинг тахриратимиз бўлади. Гарчама мактубингиз қўзилиб кетса-да, шу ўринда сизни ва кўнглингизни қийнаётган, тоҳо-тоҳо йўлдан алаштираётган бир муаммо ҳуқуқидан тўхталиб ўтмасам бўлмас. Мен сизга бугунги кунда ҳуқуқий демократия давлат барпо этилаётганлиги, Конституциядаги ҳокимиятнинг бўлиниш принципини амалга ошарганлиги, фуқаролик жамияти қорпоётганлиги ҳуқуқидан гапирсам, «расмий тилингга тўшунмайман, менга деҳқонча сўйла», деб эънагиз қотиши, та-



Абдулла ОРИПОВ
ШАРҚ ҲИКОЯСИ

Аниқ йили эсимда йўқ, Алаккайи замонида, Бир қилмоқда ота-ўғли Нишар экан омонда.

Улар қоят тотув экан, Уртада мол, жони бир. Аниқ қилса ҳам ота-ўғли, Минг қилса ҳам қони бир.

Бир кўни денг-шу икковлон Қайғодир йўла ошди. Миний деси от-улов йўқ, Уйлашиб қолишди.

Курб кетсин йўқчилик ҳам, Ким неарса зор эди. Шингизда далолатлар Битта эшак бор эди.

Гарчи у ҳам бир оз янгр, Гарчи андак бедармон. Шу эшакни мингасма, деб Уйлаб қолди икковлон.

Ота деди: — Уғлим, бундан На сен, на мен тингаймиз. Уга деди: — Ота, буни Гама-гадан мингаймиз.

Ота доим ота, ахир, Яни мудоим иззатда. Эшакка у минди дастлаб, Уга яё, алаббатта.

Бир қилмоқдан ўтардилар Иксов сесан тиқилар. Орталардан тўрт-беш одам Қулиб қолди тиқилар.

— Асқоқ экан, манови чол, Асқоқ ҳаддан зиёда. Узи улов миниб огаин, Уга эса миниб.

Ғалати бир ҳисни туйиб Шартта пастга тушди чол. — Кел қилмоқ, ўғлим, — деди, — Эшакка сен минга қол.

туман ҳокими иштроқидан сизга хўжаликдан ер ҳам ажратишди. Бироқ сиз барибир норозисиз. Энди раҳбарларни ер учун ҳужжат тўриб-ла бермаётганлигидан айблайсиз. Қаноатли бўлинг, Зоир ака, сабр туби — сарик олтин, дейдилар. Яхши гап билан илон индилан, ёмон гап билан қилч қилдан чиқар. Сиз ҳеч нарсдан чўнмаган, ҳаммаси яхши бўлиб кетишига меннинг ишончим қомил. Қолаверса, сиз нимадан ҳам чўчишингиз керак? Меҳнатингиз покнза, фарзандларингизга едиратган лўқмангиз ҳалол бўлса. Ҳаром лўқманга тап тормай тановул қилаётганлар чўчишин. Чўнги у қачон бўлса-да тешиб чиқади. Бу ривоятни сиз ҳам эшиттидирсиз. Бир чол фарзандини бешкидан бошлаб ҳаром лўқма емаслигини учун тинимсиз меҳнат қилар, кун бўйи тоғдан ўтин ташиб сотар экан. Шунча меҳнати қон экан. Бола соғлом ва бақувват бўлиб воғта етибди. Фарзанди бир кун шаҳарга айлангани келибди. Аммо кечта еткан уни бир мешкобчи қулголдан аяқлаб келибди.

— Ҳой, чол, — деди у, — манави ҳаромини қандай тарбиялагансиз? Кўчада кетаетсам, мешкобимга бизи тикиб суи наятти. Қулчиқ меҳнатини саробга чиқарди. Тўла, мешкобимини!

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Яқинда кўшни маҳаллада яшовчи Солижон исмли йигит вафот қилди-ю, уч норасида боласи билан бева қолган Саодатнинг холига маймулар йиғлади. У эридан, болаларининг отасидан жудо бўлгани етмаганидек, уй-жойидан ҳам хайдалди. Аслида улар алоҳида яшаб турган ҳовли Солижонга (мақоладаги исмлар, манзиллар ўзгартирилган) тегишли бўлиб, бундан ташқари аёлининг номиди ҳам уч хонали «дом»лари бор эди. Лекин эри оламдан ўтган аёлга бу уйларда яшаб насиб етмади. Негаки, қайнотаси-ю, қайноғаканнингиллар ана шу жойларни талашиб, уни кўчага қувиб чиқаришди. Эвоҳ, дейсан ҳайратдан ёқа ушлаб. Наҳотки, улар Солижоннинг руҳидан чўчишмади.

Шунда ҳам кўчада қолган бева аёлининг бағри кенг экан. Марҳум эри билан яшаб турган ҳовлисини уларга инъом қилишини, лекин ўз номидаги «дом»ни қайтариб беришларини сўради. Аммо қарши томон бунга ҳам кўнмаган, ота-онаси, тўрт нафар синглиси, уйланган укаси билан яшаб турган икки хонали уйга қўчиб борди...

Албатта, бу адолатсизлик шундайлигича қолиб кетмади. Қанчадан-қанча тортишувлар, асабузарликлар, ёзишмалардан сўнг «дом» ўзига қолди. Аммо қариндошлик ришталарига пўтур етказган бу можарони энди унутиш осонми?

Кўшни вилоятда бўлиб ўтган мерос можароси эса бундан ҳам ўтиб тушади. Виога у қиз ва бир ўғил бола етади. Ота-она тириклигида уч қиз турмушга берилади. Ҳаммаси уйли, ўзларига тўқ хонадонларнинг қелинлари. Йиллар ўтиб, ота-она оламдан кўз юмади. Ҳовлида 17 ёшли, ҳали ўйланмаган, боз устига ногирон ука қолади...

Маросимлар ўтказилган, йигитнинг опалари «ҳовлини сотиб, пулни ўзаро бўлиб олишсин» тақлим қилдилар. Хуллас, ўзқ давлат экан жанжаллардан сўнг марҳумлардан қолган уй-жой, бошқа мол-мулклар сотилади... Опалар эса ўз тегишлиларини оладилар.

Энди бу ёни нима бўлади? Ногирон ука қаерда яшайди-ю, қандай қилиб уйланади? Қолаверса, вақти келиб, «кўш уюсида кўрганни қилмаслигига» ким қаролат бера олади?

Тахриратимизга Хоразм

вилоятдан келган хат ҳам кишини чуқур уйга толдиради. — Сақиз фарзандим билан кўчада қолдим, — деб ёзади хоразмлик онахон. — Ҳаммаси эримнинг ўлиmidан сўнг бошланди. Маълум бўлишича, биз яшаган уй у кишининг оталари номларида экан. Қайнотам ун йил олдин оламдан кўз юмганлар жуда

барча бойликларни эримнинг бир неча йиллик, ҳеч бўлмаганда бир неча кунлик қўшимча умрига сарфлаган бўлардим. Афсус, ўлган одамни тирилтириб бўлмайди. Ҳали уч ўғлимни уйлантиришим, бир қизимни турмушга беришим керак? Энди қилгани бўлар. Лекин шундай шартда ўлган аканинг руҳини қирқиллатиб, ука ва синглининг мерос таллашини ҳам қилолмадим. Уйни ташлаб чиқиб кетдим. Суд уйнинг бир қисмини менга берибди.

Тошкент шаҳрида айни пайтда қудалар ўртасида давом этаётган қуйдаги мулкий можарони ҳам айтишга тил, айтмасликка дил қуяди. Манзура опа Машхура опанинг (ҳар иккаласи ҳам бева) қизини кенжа ўғлига келин қилди. Икки ёш тил топишиб кетишди. Бироқ орадан кўп ўтмай, Машхура опа кенжа қизига яхши ниятларда ичкўёв қилди-ю, машаша бошланди. Катта қудаси Манзура опа бир кун келиб унга:

— Нега менинг ўғлимни эмас, кенжасини ичкўёв қилдингиз? Энди уй-жойингиз унга қоладими? Мен бунга тоқат қилолмайман! У кўёвингизни хайдаб, менинг ўғлимни ичкўёв қиласиз, — деб туриб олди.

— Қудожон, қўйинг, — деди унга жавобан Машхура опа. — Энди вақт ўтди. Бу ишни қилсам уят бўлади. Кўни-қўшни, маҳалла, қариндошлар олдида нима деган одам бўламан? Шу «дардингиз» бор экан, илгарироқ айтсангиз бўлмасмиди?


— У пайтда мен сизнинг бундай йўл тутишингизни билмас эдим-да. Энди хатойингизни тузатасиз, гап тамом, вассалом.

— Тушунинг, ахир, — деди ялнчоқ оханга Машхура опа, — мен бунақа шармандаликка қўл ура олмайман.

— Унда, қизингиз ўзингизга сийлов. Кўн-кўрони билан олиб кетинг!

Бошқа илоҳи топилмади. Ёш қелинчақ уйига «кўч-кўрони» билан қайтиб келди. Ешлар эса ахрлийшмоқчи эмас. Ижарада бўлса ҳам, бирга яшашмоқчи. Қолаверса, ҳадемай фарзанд қотишмоқда. Қудалар эса уларни бирг бўлишга қўйишмаяпти. Наҳотки, қайнонадан мерос қолдиган уй-жой учун хали унинг тириклигида талашилса? Молдун, деб ёш оила бузилиб кетса?

Комил МУРОДОВ,
Исмомил ЙҮЛДОШЕВ.



ЭКИ ОТА-ОНАДАН ҚОЛГАН МУЛКНИ ТУЛАШИБ, ЮЗ КЎРМАС БЎЛИБ КЕТАЁТГАН АКА-УКА, ОПА-СИНГИЛЛАР ҲАҚИДА

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО
ЭРТА ЮМИЛГАН КЎЗЛАР

Мақсуда турмуш қургандан сўнг қувончи узоққа чўзилмади. Эри Абдусаттор маст ҳолатда тирноқ орасидан кир ахтариб, ўртага рахна солди. Натигада турли жанжаллар қозага келди. Абдусаттор оёқини хайт кечириб, меҳнат билан оила тебратадиганлардан эмас эди. У ичкиликка муқаддас келди-ю, 1984 йилда жиноят содир қилиб, судланди. Жазони ўтаб чиққандан кейин ҳам бўлса-да, на фарзандларига ва на турмуш ўртоғи Мақсудага меҳр қўйди.

Инсоний ҳиёсани йўқотган Абдусаттор Булболов ўтган йили март ойида Убаит қишлоғидаги уйда хотин Мақсуданинг қелинчини поймаб ўтирди. Қизни Дилфуза билан ишдан қайтиб келган хотинини сўриб, яна жанжал чиқарди. Мақсуда ишдан сўнг онасининг уйига кириб қалганлигини тушунтиришга ҳаракат қилса-да, фойда бермади. Абдусаттор илгаридан таёриб-ла қўйган болани қўлига олиб, Мақсудани қасдан улдириб мақсадда бошига у билан бир неча марта уради. Ийрттич ҳайвонга айланган Абдусаттор Булболов қотиллик жиноятини яшириш мақсадида қўлидаги болга билан қўзининг ҳам бош қисмига бир неча марта уради. Ота-бала вазу ота жиноятининг қурбони бўлдилар.



Мудрош қотиллик жиноятини содир қилган А. Булболовга нисбатан Тошкент вилоят суди адолатли ҳукм чиқарди.
С. ПОЛВОНОВ.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

Усмон АЗИМ

ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Сендан айтгани-чун таржimai ҳол Тарих тўлдиргандир руху эжисимини. «У...» дедим -- ҳайратда қотганимда дол -- Ва шундай бошладим сенинг исмиңгни. Яшашимга сабаб бўзунда не бор? Ҳар лаҳза ўрнаниб рўҳиңга сафар! Менга бирор нарса ишима бекор, Ватан, Борлишгидан бойман нақадар! Фақат меҳрим қабул айлагин эркин, Қалдирма заррамни -- отримай сафла: Дарёмас, Булоқлик тақдирин бергин, Ҳаётдай оқайин сўяганиң барда, Дарастга айлантир -- сояң бўлайин, Ўйлиңга тўшай -- майсадай ярат...

-- Ўзбекистон... -- дедим -- Юракка майин Оқди худовандан елган фароғат. Рухим учиб етиди ишқи покига, Инди тўтроқлиқни этсам бўлар фан: Сенга қоршайин -- қўйиши хоҳиңга, Сен кўнай, бир ҳовуч кўнайиши, Ватан...

Тўқилади исмиң айтсам Юрагим мамин. Бор ҳаётим, мушфиқ онам -- Елғиз Ватаним.

Гуруриму суруримсан -- Рухиңга парвоз. Қирқ олтмиш -- ўтган умрим Сенга узун роз.

Қирқ икки миң томирини Сенга бойладим. Юрагимга, юрагимга Меҳринг жойладим.

Танҳо Ватан, бор, юракдан Мангуликка бор. Юрак билан йўл юрган юрт Фақат бахтиёр.



Сирдарё вилояти:

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

Байрамлар... Улар -- яхши кийиниб, кўча ва майдонларга чиқиш, сайр қилиш, тансиқ твомлар айниш, дегани эмас. Байрамлар кишиларга кувонч ва шодлик бағишлаши, ҳар бир қалбда ёнғил-ёлпи туйғулар эмас, балки тийран ва сўз билан ифодалаш мўшкул бўлган хиссиётлар уйғотиши дозим.

Мен мустақиллик куни -- 1 сентябрь шундай муқаддас байрам эканлигини бардала айтми келди. Ушбу айеним халқимизнинг асл фарандалари эрлар давомида қонлари ва жонлари эвгани кутан эдилар. Бироқ қизил империя пешволари ҳар бир халқнинг инон-ихтиёрига, эрк ва озодлигига, урф-одатларига, тарихига, бой маданият меросига

тоқат қилолмасди. Чунки ўз тарихини, ўтмишларини, маданият меросини, она тилини, табиий бойлиқларини улуглаган, қадрлаган, кўз қорачиқидек асраган халқни қафасда ушлаб туриб бўлмас эди-да. Истиқлол мисоли диққатнафас хонага ёпирилиб қирган кўксам шомолдори. Истиқлол юракларда турганин ордунларинг гўлаб-яшнанидир. Истиқлол ҳурлик қўшиғининг бардала янграшдир. Истиқлол Ватанин, халқни улугловчи

ва унга келажак дарвозаларини ланг очиб берувчи сўнмас қўшиқдир. Бу қўшиқнинг аводлиғи сизга бизга, фарандаларимизнинг дунёқарашларига,

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТ


Улар қалбдаги юрта нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатнинг теранлиғига бозлик.

Байрам арафасида бир гални алоҳида уқтириб ўтишни истарим. 1 сентябрь куни ота-оналар мактабга, албатта, ўз ўғил-қизлари билан бирга келишин! Айнан уша куни улар жажжи фарандаларига Ўзбекистон ҳақида, унинг тарихи тўғрисида, боболари ҳақида ва бизни кутаётган буюк истиқлол тўғрисида сўлаб беришин.

Мен айнан мана шу куни кичикнотилар қалбда юрта нисбатан муҳаббат дарахтининг кўртка очилиши жулда жулда хоҳларим. Улар айнан мана шу

куни улуг юртнинг фуқароси эканлигини жажжи юраклари орқали туюб, қувончдан энтиқиб кетсинлар. Ана шундангина бизнинг меҳнатимиз, интиқилларимиз ўз натижаларини янада тўлароқ намон этади. Ана шундангина келажак сари ташлаётган қилмларимиз дилдил ва шаҳлам бўлади.

Файрат УММОНКУЛОВ, Бобут туманидаги 1-ўрта мактаб директори.



24 августда Тошкентда (26 августда Самарқандда) КУРГАЗМА-ТАҚДИМОТ "Ўзавтосаноат" уюшмаси Сизни "СамКочавто" қўшма корхонаси заводида ишлаб чиқариладиган автотранспорт воситалари кўргазмасига таклиф этади. БИЗ ОБИРИНГИЗНИ ЕНТИЛ ҚИЛАМИЗ! Сизни "Автосанимпекс" компаниясининг автосалони кутади. Манзил: Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 1-а (мўлжал — собиқ Туркман бозори), соат 10.00 дан 17.00 гача. Кириш бепул.

Азиз юртдошлар, тadbиркорлар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари! "Ўзбекистон почтаси" давлат-акционерлик компанияси Сизларни республикаимиз мустақиллигининг 6 йиллиги билан самимий табриклайди. Барчангизнинг оилангизга бахт-саодат, мустақил давлатимиз рабнақи йўлидаги эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилайди. Ва фурсатдан фойдаланиб, шунинг маълум қиладики, республикамиздаги барча почта ходимлари сизларнинг байрам табриғи, хат ва откриткаларингизни истаган манзилингизга етказиб беришга тайёр. Почта алоқасидан фойдаланинг.

СЕШАНБА, 26 10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 19.10, 21.55, 23.25 Ўзлонлар. 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Олам ва одам». 8.55 «Бўй ўстирувчи дармондори». Мультфильм. 9.00 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Мирзо Ғолиб». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 6-қисм. 10.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиғига. «Алоҳот одимлари». 10.30 Инглиз тили. 11.00 «Аждодларимиз мероси». Публицистик кўрсатув. 11.20 «Хамоҳанг қалблар». Мусикий дастур. 12.00 «Манавият хазинаси». «Ўзбек телефильм» премьери. 12.10 «Сиват оламидан». 12.40 «Кўпик». Бадий фильм. 14.05—14.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиғига. «Озодлик». Видеofilm. 1-қисм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Акс садо ҳақида эртак». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Она юртим — гуллар водийси». 18.30 «Мунаввар даргоҳ остонасида». 18.50 Олтин меҳро. «Хунарманда». Тележурнал. 19.15 «Ахборот» (рус тилида). 19.30 «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалининг очилиши. Самарқанд. Регистон майдонидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Ахборот». 22.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси олдидан. «Парламент соати». 22.20 «Вазият». Публицистик кўрсатув. 22.40 «Мирзо Ғолиб». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 7-қисм. 23.30 «Ахборот». 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент). «Трактор» (Тошкент). Езиб олинган. 00.40—00.45 Ватан тисоллари. 18.15, 19.10, 19.30, 21.25, 21.55 Ўзлонлар. 18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.20 «Ерилотш». Мультфильм. 18.35 «Палитра». 18.50 «До-иче Велле» тақдим этади. 19.15 «Ахборот» (рус тилида). 19.35 «Олтин кент». 19.50 «Шимпанзе супергероти». Теле-сериал. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оханлар ва Ўзлонлар. 21.10 «Киноинго». 22.00 Кундалик. 22.10 «Бешинчи ўнча». 22.25 «Санта-Барбара» Телевизион бадий фильм. 23.15—23.25 Кундалик. 17.10 Янгиликлар. Россия жамоат телевиденеси. 17.15—20.35 20.35 Ўзлонлар. 20.40 «Сезар ва Ролан». Бадий фильм. (АҚШ). 22.20 «Кругозор». Тележурнал. Россия давлат телевиденеси. 22.45—23.15 23.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллиғига «Ўзбекистон олтини». «Ўзбекистон» премьери. 23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида). 17.10—18.45 Туркия телевиденеси. 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульткарусель». 19.05 Ўзлонлар. 19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 19.35 «Сен ҳақида ва сен унинг». Ахборот-дам олиш дастури. 20.10 «Соник ҳақида сабоқлар». 20.25 «Янги истиқлол». 20.55 «Иртотка». 21.25 «ТВ IV — немис тўлкини». 21.45 Ўзлонлар. 21.50 «Кинематограф». «Тунги талваса». Теле-сериал. 22.40 «Иранда». 23.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.40—23.50 «Хайри тун!»

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 6 ЙИЛЛИГИГА, БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА УЯЛИ АЛОҚА ЯЛОВБАРДОРИ UZDUNROBITA cellular УЯЛИ ТЕЛЕФОН КОМПАНИЯСИ 1997 йилнинг 20 августидан 10 сентябригача Сизга антиқа имконият яратади. МУТЛАҚО БЕПУЛ равишда Сиз Ўзбекистоннинг бутун худудида алоқанинг аъло сифатлигини таъминлаётган бизнинг тизимимизга ўз РАҚАМЛИ уяли аппаратларингизни улашга муваффақ бўлишингиз мумкин. Сиз ТДМА (бошқача номи Digital AMPS) андозасига мос келадиган куйида санаб утилган рақамли моделларни, шунингдек, бошқа моделларни ҳам улаб олишингиз мумкин: Nokia - 2160, 2120 Plus; Ericsson - 318, 338, 388, 738; Motorola - Digital Elite, Digital Ultra Lite, Digital Platinum ва бошқалар. Маълумотларни янада тўлароқ олишни истасангиз, Сиз бизга бепул «ХИЗМАТ-611» рақами орқали мурожаат қилинг. Бунинг учун шаҳардан ҳар қандай телефон орқали 30-09-09 рақамини терасиз. Уяли телефон орқали эса фақат 611 рақамини теринг. Уяли телефон орқали «Хизмат-611» га қилинган барча кўнгироқлар бепулдир. Ўз телефонларингизни уяли алоқанинг ЭНГ МУКАММАЛ ТИЗИМИ — «Ўздунробита» ҚҚ га улашга шошилиңг! Эслатма: Ушбу эълон фақат Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги абонентлар диққатига қаратилаган. Қўшиқча маълумотларни хоҳлаган пайтда Тошкент шаҳридаги 30-09-09 рақамли телефонга кўнгироқ қилиб олишингиз мумкин. UZDUNROBITA сўйлаш. «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонасининг савдо маркази тарихида рўзқатдан ўзгарилаётган.

АПКАЛ-Г АПИФЕН самарали дори бўлиб, куйидаги максдаларда ва болалар учун ҳам қўлланиши мумкин: сулк-бўгин аъзоларини мустаҳкамлаш; тиш эмалини мустаҳкамлаш; аллергия хастаашкалари ва рахитимине олдини олиш. Мезйри: кунига икки маҳал бир таблеткадан. Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан. Шажар дорихоналарига мурожаат қилинг. Ер / ўрмон ақлини фарма т.и.и.и.и.и.

«Сурхон Аджанга Фарма Лимитед» қўшма корхонасининг янги манзили: Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 54-уй. (Мўлжал: Фармацевтика заводи рўпарасида). Тел.: 56-75-78, 56-75-85, 56-72-95, 56-39-03.

«Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси жамоаси «Қашқадарқиновиле» акционерлик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Шухрат ЖАББОРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради. «Тибмаҳсулот» фирмаси жамоаси фирманинг собиқ ходими, пенсионер Нажим АҲМЕДБЕКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради. УЗФА Онкология ва радиология институти шифохонаси жамоаси урология бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Хайрулла Хафизовга палари буруқвори Азизхон МАХСУМ Ҳожи отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Хуқуқ ва қонунчилик 36-37-85; Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94; Манавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Ўзлонлар 36-09-25.

Рўйхатдан утиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0522, 34.845 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қого бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев. Навбатчи — Н. Мусомов, Мусаҳҳиш — А. Сатторов.